

Journal of
**Natural
science**

**No5
2021**

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор7. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор8. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц9. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.10. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.11. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф12. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц13. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.14. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц15. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.16. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)17. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц18. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)19. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц20. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

УДК 581.9

**ТУРКИСТОН ТИЗМАСИНИНГ ШИМОЛИЙ ЁН БАҒИРЛИКЛАР
ФЛОРАСИДАГИ *ASTRAGALUS L.* ТУРКУМ ТУРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ
ТАҲЛИЛИ**

Азимова Д. Э., Шарипова М.Х., Усмонқулов Қ.Ў.

Жиззах Давлат Педагогика институти

e-mail: dilya_7662323@mail.ru

Аннотация. Туркистон тизмасининг шимолий ён бағирликлар флорасидаги *Astragalus L.* туркум турларининг қиёсий таҳлили ва *Astragalus L.* туркум турларининг ареал типи ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: флора, қиёсий таҳлил, систематик таҳлил, эндемик.

Аннотация. Дан сравнительный анализ вида *Astragalus L.* во флоре северных склонов Туркестанского хребта и типа ареала вида *Astragalus L.*

Ключевые слова: флора, сравнительный анализ, систематический анализ, эндемик

Summary. A comparative analysis of the species *Astragalus L.* in the northern slopes of the Turkestan ridge and the habitat type of the species *Astragalus L.* are given.

Keywords: flora, comparative analysis, systematic analysis, endemic.

Туркистон тизмаси – Ҳисор Олай тоғ тизмасига кирувчи тоғлар. Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида жойлашган. Сирдарё ва Зарафшон оралиғида сувайирғич. Шарқдан ғарбга Мастчоҳ тоғ тугунидан Зарафшон дарёсининг ўрта оқимигача 350 км га чўзилган, эни 60 км дан зиёд. Шарқда, Сўх дарёсининг бошланиш қисмида, Олай тоғларидан Мастчоҳ тоғ тугуни орқали ажралади, ғарбда Пармонтепа қалъаси яқинида тугайди. Туркистон тизмаси шарқда Фарғона водийсини, ғарбда Мирзачўлни ўраб туради. Шарқий қисми баланд (5000-5400 м), қор ва музликлар билан қопланган. Ғарбий қисми (Чумқартов) паст (2600-3400 м). Энг баланд жойи шарқда 5680 м (Пирамида чўққиси), ғарбда Бозорхоним чўққиси (3405 м), шим.ғарбий қисми Молгузар тоғларидан иборат. Булар бирбиридан Сангзор дарёси билан ажралган. Нурота тоғларини ҳам Туркистон тизмасининг давоми деб ҳисоблайдилар. У Молгузардан Илонўтти тоғ йўлага орқали ажралган. Туркистон тизмасида кўплаб доvonлар мавжуд. Шахристон доvonидан Уструшона-Душанба автомобил йўли ўтган.

Astragalus туркуми Тоғлиўртаосиё провинциясида ва Эрон флораларида етакчи ўринда турадиган ҳамда ҳудудлардаги локал флораларни ўзаро боғлаб турадиган, турларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Ўрта Осиё флорасида

639 дан ортиқ, Ўзбекистонда эса 268 тур тарқалган. Сўнги йиллардаги маълумотларга кўра “Flora Iranica” худудида туркумнинг 955 тури аниқланган. Шунингдек, Тоғлиўртаосиё провинциясидаги локал флораларда, Варзоб флорасида 54 тур (3,7%), Сирдарё Қоратов флорасида 85 тур (5,1%), Ғарбий Тиёншон флорасида 101 тур (4,9%), Бойсун ботаник-географик райони флорасида 101 тур (6,45%) тарқалган.

Туркистон тизмасининг шимолий ён бағирликлар флорасида олиб борган дала тадқиқотларимиз ҳамда Марказий гербарий ТАШН фондида сақланаётган намуналарини таҳлил қилиш натижасида *Astragalus* 70 тури (5,58%) тарқалганлиги аниқланди. Бу кўрсаткич Тоғлиўртаосиё провинциясидаги айрим флоралардан кам эмас. Астрагалларнинг Туркистон тизмасининг шимолий ён бағирликлар флорасидаги иштирокининг фоиз кўрсаткичлари Нурота тоғлари (74 тур, умумий флоранинг 5,8%) ва Зомин кўриқхонаси (62 тур, умумий флоранинг 5,2 %) флораларига яқин.

Флорада тарқалган турларнинг тарқалиш ареалига кўра, 40 тур Ўрта Осиёнинг тоғли қисми билан чегараланган (57,14%), қолган 30 тур (42,86%) Эрон-Турон ва Қадимий Ўртаерденгизи бўйлаб тарқалган. Юқоридаги рақамлардан кўришиб турибдики, Помир-Олой тизмалари *Astragalus* туркумининг автохтон турларига бойлиги, бу минтақаларда эндем, камёб ва тор тарқалиш ареалига эга бўлган турларнинг кўплиги билан ўзига хосликка эгадир. Флорада туркумнинг *Myobroma* (Stev.) Bunge, *Xiphidium* Bunge, *Alopecias* (Stev.) Bunge, *Ankylotus* (Stev.) Bunge, *Astragalus*, *Oxyglottis* Bunge каби секцияларининг турлари кенг тарқалган ва худудлар флораларини бир-бирига боғлаб туриш вазифасини бажаради. *Astragalus belolipovii* Kamelin & F.O.Khass. & N.Sulajm. ва *Astragalus rusanovii* F.O. Khass., Sarybaeva & Esankulov турлари Туркистон тизмасининг эндем турлари каторида бўлиб, *A. belolipovii* Kamelin & F.O.Khass. Ўзбекистон республикаси Қизил китобига киритилган.

Туркистон тизмасининг шимолий ён бағирликлар флорасида аниқланган 70 турдаги астрагалларнинг 62 таси Туркистон тизмасининг ғарбий қисмининг флорасида ҳам тарқалган. Бу аввало шимолий Туркистон эндемлари *Astragalus belolipovii*, *A. rusanovii* ҳамда Помир-Олой ва Ғарбий Тиёншондаги тоғ ўтлоқлари, шунингдек арчазорлар учун характерли бўлган турлар (*A. aphanassjevii* Gontsch., *A. corydalinus* Bunge, *A. dendroides* Kar. & Kir., *A. jagnobicus* Lipsky, *A. lasiosemius* Boiss., *A. platyphyllus* Kar. & Kir., *A. sarytavicus* Popov, *A. tibetanus* Benth. ex Bunge ва бошқ.) гуруҳи ҳисобига амалга ошади. Қиёсланаётган ҳар икки худудлар флораларидаги астрагаллар таркибидаги фарқлар. Умуман олганда, мазкур диссертация тадқиқотини

бажариш давомиди Туркистон тизмаси шимолий қисмининг флораси учун 82 турдаги астрагалларнинг ўсиши аниқланди.

Астрагаллардан 40 тур Молгузар, Нурота ва Туркистон тизмаси учун умумий ҳисобланади. Уларнинг таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин: Нурота-қўҳистон субэндеми *A. knorringtonianus* Boriss., Фарбийтиёншон-помиролой ареал типига мансуб турлари (*A. adpressipilosus* Gontsch., *A. bactrianus* Fisch., *A. eximius* Bunge, *A. iskanderi* Lipsky, *A. lasiostylus* Fisch., *A. macronyx* Bunge ва бошқ.), шунингдек, Ўрта Осиёнинг текисликлари, адир ва қуйи тоғ минатқаларида кенг тарқалган Эрон-турон, Эрон-ўртаосиё ареал типига мансуб бўлган бир йиллик астрагаллар (*A. camptoceras* Bunge, *A. campylotrichus* Bunge, *A. commixtus* Bunge и др.). Бундан ташқари, Молгузар ва Туркистон тизмалари флораларида Нурота округи флорасида учрайдиган дизъюнктив ареалга эга бўлган айрим Фарбийтиёншон-помиролой турлар, Помиролой ареал типларига мансуб турлари, жумладан *A. falcigerus* Popov, *A. nematodes* Bunge, *A. macropetalus* Schrenk, *A. stipulosus* Boriss., *A. subbarbellatus* Bunge, *Laguropsis* Bunge секциясининг турлари – *A. alabugensis* V.Fedtsch., *A. inaequalifolius* Basil., *A. pulcher* Korovin и *A. schrenkianus* Fisch. & С.А. Мей. ва бошқ. учрамаслиги аниқланди.

Шундай қилиб, флора таркибида етакчи ўринда турувчи астрагалларнинг таркибини қиёсий таҳлил қилиш натижаларини кўрсатишича, Молгузар тизмаси, Туркистон тизмаси ва Нурота тоғларнинг флоралари ўртасида оралик ҳолатни эгалласада, кўпроқ Туркистон тизмаси флорасига яқин ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Демурина Е.М. Растительность западной части Туркестанского хребта и его отрогов. Ташкент. Фан. 1975, с. 9-12, 73-129.
2. Камелин Р.В. Кухиستانский округ Горной Средней Азии. Л.: Наука, 1979. 117 с.
3. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. О проекте ботанико-географического районирования Узбекистана. Материалы конференции Биохилма-хилликни сақлаш ва ривожлантириш муаммолари. Гулистан, 2012. С. 6-10.
4. Хасанов Ф.О., Адилова Н.Н. Редкие элементы хребта Мальгузар. // Экологические проблемы опустынивания в Узбекистане. Материалы международной конференции. Ташкент, 2008. С. 182.
5. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю. Кадастр редких и исчезающих видов растений Джизакского и Навоийского вилоятов Республики Узбекистан. В сб.

- Биоразнообразие Узбекистана – мониторинг и использование. Ташкент, 2007. С. 200-207.
6. “Ўзбекистон флораси” 6-том 1962 й
7. Бешко Н.Ю. Флора Нуратинского заповедника: Дис. ...канд. биол. наук. – Ташкент: 1999. – 45-49 с.
8. Эсанкулов А.С. Флора Зааминского государственного заповедника: Автореф. дисс. ... канд. биол. наук. Ташкент, 2012. 19 с.
9. Азимова Д.Э. Молгузар тизмаси флораси: Автореф. дисс. ... канд. биол. наук. Ташкент, 2018. 10 с.
10. Abdullaeva, N. S., Khodzhimatov, O. K., & Azimova, D. E. (2019). The Genus *Dracosephalum* L. in the Phytogeographical Regions of Uzbekistan. *American Journal of Plant Sciences*, 10(09), 1527.
11. Tojibaev, K., Beshko, N., Karimov, F., Batoshov, A., Turginov, O., & Azimova, D. (2014). The data base of the flora of Uzbekistan. *Journal of Arid Land Studies*, 24(1), 157-160.
12. Тожибаев, К. Ш., Бешко, Н. Ю., Азимова, Д. Э., & Тургинов, О. Т. (2015). Особенности распространения видов из секций *Macrocystis*, *Laguropsis* и *Chaetodon* рода *Astragalus* L. на территории Горносреднеазиатской провинции. *Turczaninowia*, 18(2).
13. Tojibaev, K. S., Beshko, N. Y., Azimova, D. E., & Turginov, O. T. (2015). Distribution patterns of species of the genus *Astralalus* L. (sect. *Macrocystis*, *Laguropsis* and *Chaetodon*) in the territory of Mountain Middle Asian province. *Turczaninowia*.
14. Бешко, Н. Ю., & Азимова, Д. Э. (2013). Новые флористические находки в Северо-Западном Памиро-Алае (Узбекистан). *Turczaninowia*, 16(1).
15. Бешко, Н. Ю., & Азимова, Д. Э. (2014). Род *Astragalus* L. во флоре Нуратинских гор и хребта Мальгузар. Сравнительный анализ. *Узб. биол. журн. Спец. выпуск*, 20-21.
16. Beshko, N. Y., & Azimova, D. E. (2013). New floristic findings on the North-West Pamir-Alay (Uzbekistan). *Turczaninowia*, 16(1), 197-203.
17. Азимова, Д. Э., & Бешко, Б. Ю. (2014). ЭНДЕМИЧНЫЕ И РЕДКИЕ ЭЛЕМЕНТЫ ФЛОРЫ ХРЕБТА МАЛЬГУЗАР. *ББК 72 Т33*, 66.